

«Эй Аллоҳнинг расули, бу мен учун хосми?»

09:05 / 09.06.2018 3087

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши бир хотинни ўпиб олди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб хабар берди. Сўнгра Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «**Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўқис адо қилинг! Албата яхши амаллар ёмонлик - гуноҳларни кетказур**». Бас, ҳалиги киши: «Эй Аллоҳнинг расули, бу мен учун хосми?» деганида, у зот: «**Балки бу умматимнинг барчаларига хосдир**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.